

# ХУКУКИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ТОМ 7, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
VOLUME 7, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2022

# ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№5 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-5>

Бош мухаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

д.ю.н., проф.

(Doctor of Law, Professor)

Абдурасулова Қумринисо Раимкуловна

Бош мухаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

д.ю.н., доцент

(Doctor of Law, Associate professor)

Файзиев Шохруд Фармонович

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ ҚЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев

ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда

ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза

ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё

ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)

д.ю.н., проф. Артур Гамбарян

(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова

ю. ф. д. Хусанов Озод

ю. ф. н. Хван Леонид Борисович

ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)

д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна

(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Ҳалқаро ҳусусий ҳуқуқ /  
Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право /  
Civil law; Business law; family law; Private international law

юридик фанлар доктори, профессор  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист Оқюлов Омонбай,  
Рузиев Рустам, Рузиназаров Шуҳрат,  
Шомухамедова Замира, Баратов  
Миродил, Бобоқул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва  
медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный  
процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юридик фанлар доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист Эсанова Замира  
Нормуродовна, Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Мехнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального  
обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна  
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич  
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза  
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб  
(Российская Федерация)

**12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law**

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист ю.ф.н., доц. Скрипников Николай  
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади  
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов  
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш  
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич  
(Российская Федерация)

**12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш.  
Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной  
деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law  
enforcement activities. Advocacy**

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,  
Ю.ф.д. Саломов Бахром Саломович,  
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич  
(Тошкент давлат юридик университети)

James B. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)  
д.ю.н., проф. Кайрат Османалиев (Қирғизистон  
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин  
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей  
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.  
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская  
Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуки. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуки /  
Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право /  
Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон  
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,  
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп  
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда  
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам  
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,  
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат  
Рахмаджонович (Республика Таджикистан),  
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна  
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.  
Джансараева Рима Ернатовна (Республика  
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси /  
Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal  
procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон  
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий  
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,  
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,  
ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),  
д.ю.н., проф. Стойко Николай Генадьевич  
(Российская Федерация), Проф. Рыжаков  
Александр Петрович (Российская Федерация),  
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика  
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика  
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика  
Беларусь)

**12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law**

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,  
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,  
ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

**Мусаххих: Нурмуҳаммад Ҳамидов**

**Дизайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов**

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Olimjonov Sohibjon Olimjon ugli</b> HISTORICAL-LEGAL DEVELOPMENT OF CONCEPT OF LOBBYISM.....	5
<b>2. Авлияқулова Матлуба Авазовна</b> КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ.....	13
<b>3. Бозаров Шавкат Таджибаевич</b> БАНКОВСКИЙ КРЕДИТ КАК ЭКОНОМИКО-ПРАВОВАЯ КАТЕГОРИЯ.....	20
<b>4. Muxamadiyev Xojiakbar Asliddinovich</b> OILAVIY MUNOSABATLARNING SHAKLLANISH TARIXI VA UNING ASOSIY MANBALARI.....	27
<b>5. Мусаев Эльбек Таюфович</b> АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СПОРТИВНОГО КОНТРАКТА.....	35
<b>6. Шарахметова Умида Шаакбаровна</b> БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР.....	44
<b>7. Давлятов Валишер Ҳакимжанович</b> ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИНГ 1990–1996 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	52
<b>8. Алтиев Рассоқ Сайдович</b> ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ТАЛОН-ТОРОЖ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ.....	60
<b>9. Ҳакимов Комил Бахтиярович</b> ОННИНГ ЎЗ ЧАҚАЛОГИНИ ҚАСДДАН ЎЛДИРИШИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ....	69
<b>10. Марданов Фарход Нарзуллаевич</b> ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИ ЗАРУРАТИ, УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	76
<b>11. Нурумбетова Садоқат Алляровна</b> КИБЕРМАЙДОНДАГИ КИБЕРТЕРРОРИЗМНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКГА НИСБАТАН КЎРСАТАДИГАН ЯНГИ ТАҲДИДЛАРИ.....	85
<b>12. Ҳусейнова Абира Амановна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ.....	92

**12.00.10-МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО****Хусейнова Абира Амановна,**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси,  
Олий Мажлиснинг Инсон хуқуқлари бўйича вакилининг  
(Омбудсманнинг) Бухоро вилояти минтақавий вакили,  
Фалсафа фанлари доктори, профессор  
E-mail: abirakhuseynova@mail.ru

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ  
ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ**

**For citation:** Khuseynova Abira Amanovna. MAIN FACTORS OF HUMAN RIGHTS PROTECTION IN THE CONDITIONS OF THE NEW UZBEKISTAN. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 5, pp.92-99



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6545388>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада жамият тараққиётида инсон хуқуқларининг ўрни тадқиқ қилинган. Халқаро хукукий ҳужжатларда инсон хуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий механизмларига эътибор қаратилган. Ҳуқукий таълимотлар тарихида инсон хуқуқларига оид назарияларнинг ривожланиши таҳлил қилиниб, Шарқ мутафаккирлари асарларида инсонга муносабат масаласига оид фикрлардан мисоллар келтирилган. Шарқ ва Гарб ижтимоий-фалсафий тафаккурида инсон хуқуқлари илмий тарзда ўрганилган. Мустақиллик йилларида инсон хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар мазмуни ёритиб берилган. Шунингдек, Омбудсман институтининг инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича мустақил миллий институт сифатидаги аҳамиятини янада оширишга қаратилган тизимли тадбирлар моҳияти таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Янги Ўзбекистон, Омбудсман, инсон хуқуқлари, имплементация, хукукий мерос, миллий стратегия.

**Хусейнова Абира Амановна,**  
Региональный представитель Уполномоченного Олий Мажлиса  
по правам человека (Омбудсмена) Бухарской области,  
Сенатор Олий Мажлиса, доктор философских наук, профессор  
E-mail: abirakhuseynova@mail.ru

**ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В УСЛОВИЯХ НОВОГО  
УЗБЕКИСТАНА**

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается роль прав человека в развитии общества. Уделяется особое внимание на основные механизмы защиты прав человека международных правовых актов.

Анализируется развитие теорий прав человека в истории правовых учений, приводятся примеры идей по проблеме человеческих отношений в трудах восточных мыслителей. Научно изучается права человека в восточной и западной социально-философской мысли. Раскрывается содержание реформ, направленных на защиту прав человека за годы независимости. Также была проанализирована сущность системных мер, направленных на дальнейшее повышение роли Омбудсмена как самостоятельного национального института защиты прав и свобод человека.

**Ключевые слова.** Новый Узбекистан, Омбудсмен, права человека, реализация, правовое наследие, национальная стратегия.

**Khuseynova Abira Amanovna,**

Regional Representative of the Commissioner  
of the Oliy Majlis for Human Rights (Ombudsman)  
of the Bukhara region, Senator of the Oliy Majlis,  
Doctor of Philosophy, Professor  
E-mail: abirakhuseynova@mail.ru

## MAIN FACTORS OF HUMAN RIGHTS PROTECTION IN THE CONDITIONS OF THE NEW UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article discusses the role of human rights in the development of society. Particular attention is paid to the main mechanisms for the protection of human rights in international legal acts. The development of human rights theories in the history of legal doctrines is analyzed, examples of ideas on the problem of human relations in the works of Eastern thinkers are given. Human rights are scientifically studied in Eastern and Western socio-philosophical thought. The content of the reforms aimed at protecting human rights over the years of independence is revealed. The essence of systemic measures aimed at further enhancing the role of the Ombudsman as an independent national institution for the protection of human rights and freedoms was also analyzed.

**Keywords.** New Uzbekistan, Ombudsman, human rights, implementation, legal legacy, national strategy.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятларидан бири бу - инсонга бўлган муносабат, инсон хукуқлари ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар тарихий ривожланиш жараёнида инсон хукуқларига оид ўз қонунлар тизимини яратган.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида янги ўзбек миллий хукуқий тизими тубдан шаклланди. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий ва хукуқий асослари яратилди, инсон хукуқларига оид қонунлар тизими барпо этилди.

Ўзбекистон Конституциясининг II-боб, 13-моддасида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият хисобланади” [1]. 1995 йил 23 февраль куни МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Омбудсман институти жорий этилди.

Миллий қонунчилик ва хукуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишининг ўз модели, инсоннинг конституциявий хукуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, инсон хукуқлари, қадр улуғлиги диний таълимотларда, хусусан, исломда аниқ изоҳлаб берилган. Шариат нуктаи назаридан ҳам инсон коинотнинг энг улуғ ва олий мартабали зотидир. Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасида (30-оят) Оллоҳ томонидан фаришталарга хитоб этилиб, “Мен (одамни) ер юзида халифа қилиб яратмоқчиман” дейилади. Кейинроқ 17-суря (70-оят)да инсоннинг мақомини қўтариб, “биз одам болаларини азиз ва

мукаррар қилдик” деб таъкидланади. Куръонда барча инсонлар, уларнинг ижтимоий мавқеи, дини, миллати, тили ва ирқидан қатъий назар teng ва баробарликлари эълон қилиниб, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ҳамда бир-бирингиз билан танишиб, дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун сизларни турли туман қабила ва элатлар қилиб кўйдик” (49 сура, 13-оят) дейилади.

Маълумки, миллий ҳукукий мерос миллатимизнинг, халқимизнинг беназир бойлигидир. Бу бойлик энг катта қадрият ҳисобланган буюк мутафаккирларимиз, аллома – аждодларимиз ғояларида, асарларида чуқур ўз ифодасини топган. Жаҳон илму - фани ва маданияти ривожига бебаҳо ҳисса кўшган буюк аждодларимиз Шарқнинг мутафаккирлари ал - Бухорий, ал - Хоразмий, ат - Термизий, ал – Фаргоний, Беруний, Фаробий, Ибн Сино, А. Яссавий, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа даҳоларнинг бизга қолдирган маънавий мероси инсон ҳукуқларини ҳимоя илишнинг тарихий асослари сифатида намоён бўлмоқда.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганидек: “Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади”.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий асарларида инсонпарварлик, одил подшоҳ, факир мискинларга эҳтиром кўрсатиш, саховат, комил инсон хусусида жуда кўп фалсафий фикрлар мавжуд. Мутафаккир “Махбуб ул-кулуб” асарини одил подшоҳларни васф қилишдан бошлайди. Унинг фикрича, адолатли подшоҳнинг мамлакат ва халойиқ учун фойдасининг чеки-чегараси йўқ. Бундай подшоҳ, энг аввало, хулқ-одобда факиру мискинларга, ахолининг турли тоифаларига бирдек юмшоқ ва яхши муомалада бўлади. Адолатли подшоҳ юксак фазилатлар эгаси. У қўл остидагиларга марҳаматли бўлади, аммо золим ва қароқчилар, ўғрилар, йўлтўсарлар унинг ҳайбатидан, жазолаши ва қасос олишидан қўрқадилар. Подшоҳнинг саъӣ-ҳаракатлари, тиришқоқлиги туфайли мамлакатда тинчлик, осудалик ҳукм суради, унинг меҳр-муруввати ва қўли очиқлигидан халқ тўқ, фаровон яшайди.

Юртимизда инсон ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаш, адолатни қарор топтириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Инсонни улуғлаш уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш янги Ўзбекистоннинг асосий ғоясига айлантирилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маъruzасини тинглаган давлатлар раҳбарлари, дунё жамоатчилиги Ўзбекистондаги инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ўзгаришларга ўз баҳосини берди. Бу эса, мамлакатда давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг тамойиллари ва қадриятларига эътиборини кучайтириш, инсон ҳукуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган самарали тадбирлар амалга оширилаётганидан далолатdir. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида тузилма раҳбарлари билан учрашувлари чоғида 2018 йилда Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида инсон ҳукуқлари бўйича Осиё форумини ўтказиш ташаббусини билдирганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Эътиборли томони шундаки, БМТ ташкил этилганидан кейинги 70 йил давомида Осиё минтақасида биринчи марта ташкил этилган Инсон ҳукуқлари бўйича Осиё форуми якунлари бўйича инсон ҳукуқлари ҳимояси юзасидан Самарқанд декларациясининг қабул қилинди. Бу эса, юртимизда инсон ҳукуқлари ҳимояси йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

“Миллий юксалиш” – мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг сиёсий-ҳукукий тафаккури, ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтариш йўлидаги ҳаракатдир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Жамиятда «Янги Ўзбекистонни биргалиқда барпо этамиз» деган улуғвор мақсад шаклланди ва «Жамият — ислоҳотлар ташаббускори» деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга фаол кириб бормоқда.

Инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратиш, инсон хуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ижро этиш мақсадида 22 июнь 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони [2] тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу хужжатнинг тайёрланиши жараёнида 50 дан ортиқ давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим қилинган 200 дан зиёд таклиф ва мулоҳаза ҳисобга олинди. Фармонга мувофиқ, Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланади.

Миллий стратегияни тасдиқлашдан мақсад – мамлакатда турмуш даражаси ва фаровонликни оширишнинг муҳим ва зарурий шарти, давлатнинг жаҳон майдонидаги рақобатбардошлиги, унинг барқарор ривожланиши ҳамда демократик янгиланиши шарти сифатида Ўзбекистонда инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишдан иборат.

Инсон хуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, хуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик мухокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган мазкур концепция олти бўйимдан иборат бўлиб, миллий стратегиянинг асосий вазифалари 14 пунктдан иборат ҳолда кўрсатиб берилган. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқароларимизнинг хукукий маданияти алоҳида ўрин тутади. Инсон хуқуқлари соҳасида хукуқий саводхонликни ошириш, жумладан бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этиши бўйича устувор йўналишлар ҳам миллий стратегияда ўз аксини топган. Бу борада хусусан, партиямиз сайловолди дастурида кўрсатилган вазифалар, яъни жамиятда хукуқий, сиёсий онг ва маданиятни ошириш орқали қонун устуворлигини таъминлаш; хукуқий, сиёсий онг ва маданиятни умумжамоа маданиятининг ажралмас таркибий қисмига айлантириш; қонунларга риоя этиши кўникмасини шакллантиришда оила, таълим-тарбия масканлари, маҳалла, жамоатчилик институтлари имкониятларидан фойдаланишга қаратилган механизmlарни яратиш; халқимизнинг сиёсий жараёнларда бевосита ва билвосита иштирокини юқори даражага кўтариш; қонун ва қонуности норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари мухокамаларида ахолининг фаол иштирокини кенгайтириш; коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий ва жавобгарликнинг муқаррарлиги усусларини танлаш, одамлар онгида коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бевосита стратегияда кўрсатилган вазифаларни амалда қўллашда ўз ўрнига эга.

Маълумки, инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда Омбудсман институтининг роли беқиёс. Хусусан, янги Ўзбекистон шароитида инсон қадр-қиммати олий қадрият сифатида тараннум этилар экан, бу борадаги ислоҳотлар жаҳон ҳамжамиятини ҳам эътиборини жалб этмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий хуқуқ ва эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлашириш мумкин эмас. Шундан келиб чиқиб, АҚШнинг Вандергил Университети қошидаги маориф бўлими чоп этган (ўзбек тилига ўғирилган.-Т.1993 йил) “Демократия нима?” рисоласида демократик жамиятда “**Асосий инсон хуқуқлари**” қўйидагича ифодаланади: сўз, ўз фикрларини ифодалаш ва матбуот эркинлиги; диний эътиқод эркинлиги; мажлислар ва уюшмалар эркинлиги; қонун олдида teng ҳимоя хукуки; қонунга риоя қилиш ва адолатли суд юритиш хукуки [16].

Мамлакатимизда фуқаролар хуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни

камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик, қийноққа солишнинг барвақт олдини олиш, у билан боғлиқ мурожаатларни тезкор равишида холисона кўриб чиқиши, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини мунтазам амалга ошириш бўйича самарали хукукий механизмларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 26.06.2021 йил ПФ-5163-сонли Қарори [3] эълон қилинганди. Мазкур Қарорга мувофиқ, Олий Мажлиснинг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) хузуридаги эксперт гурухи негизида Омбудсман хузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гурухларини ташкил этиш ва уларнинг асосий вазифалари кўрсатиб берилди.

Омбудсман томонидан ҳар йили 15 марта қадар Олий Мажлис палаталарига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муносабат ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маъruzani тақдим этиш ва уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш белгилаб берилди.

Омбудсман институтининг инсон хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича мустақил миллий институт сифатидаги аҳамиятини янада ошириш, Омбудсман фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш, фуқаролар хукуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатларини ва худудлардаги иштирокини кенгайтириш, Омбудсман фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг инсон хукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10.09.2021 йил ПФ-6312-сонли Фармони [4] қабул қилинганди. Қуидаги устувор вазифалар белгилаб берилди:

- инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишда иштирок этиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонунчилликка риоя этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш;
- инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши кафолатларини, шу жумладан уларнинг бузилиши тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиши орқали таъминлаш;
- инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасидаги қонун хужжатлари нормалари ва талабарининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;
- ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда қийноққа солиш ҳамда бошқа ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомаланинг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;
- инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатлар ҳақидаги хабарларни ваколатли давлат органлари, мансабдор шахслар ва нодавлат ташкилотлар вакиллари билан биргалиқда текшириш;
- аҳоли орасида инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳалқаро ва миллий қонунчиллик нормаларини тарғиб қилиш, шунингдек, аҳолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини оширишга кўмаклашиш;
- инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Мазкур фармон билан Омбудсманнинг жойларда доимий асосда ишловчи минтақавий вакиллари лавозимлари жорий қилинди ва уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди:

- инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, инсон хукуқлари мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш;

- фуқароларнинг шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, уларнинг бузилган хукуқларини тиклашда кўмаклашиш;
- ўз ташаббуси билан ёки мурожаат муаллифининг илтимосига кўра, мурожаатни эксперталар, мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар вакилларининг иштирокида кўриб чиқишини ташкил қилиш;
- ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий жазо ўтаётган ва озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан учрашув ва сұхбатлар ўтказиш;
- инсон хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ахборот-маърифий ишларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда амалга ошириш.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш, инсон хукуқларини ҳимоя қилиш борасида Бухоро вилояти Омбудсман минтақавий вакили томонидан қонун доирасида тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Махбуслар мурожаатларини ўрганиш мақсадида ҳудуддаги 4-сон тергов ҳибсонасига мониторинг ташрифи уюштирилиб, мурожаат муаллифлари билан яккана-якка тарзда сұхбат ўтказилиб, уларнинг талаби қонун доирасида ҳал қилинишида кўмак берилмоқда [8-13].

Ҳозирги кундаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишда ҳалққа юридик билимлар бериш, яъни жамиятдаги ижтимоий-хукукий фаолликнинг зарурий шартлари бўлган демократик тамойилларни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Хукукий тарбия – бу шахсга нисбатан хукукий онгни, шахснинг қонунга бўлган хизматини, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўнимларини шакллантирувчи уюшган, бир тизимли, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда таъсир этишdir.

Юксак даражадаги хукукий маданиятга эришишнинг ягона йўли – хукукий таълим ва хукукий тарбияни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришdir. Чунки хукукий саводхонлик хукукий маданият асосидир. “Хукукий маданият – фуқароларнинг етуклилиги ва онглилигини кўрсатувчи мезон. Хукукий маданият тушунчаси хукукнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг хукуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунларнинг ахволи, хукуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш даражаси, хукукнинг обрўйи сингари элементлардан ташкил топади... Шахс қанчалик хукукий билимга эга бўлмасин, қонун ва бошқа қоидаларга амал қилмаса, у жамият учун катта зарар бўлиб, бу хукукий маданиятсизликни келтириб чиқаради. Демак, хукукий маданиятга шахснинг ўз хукуқ, эркинликларини англаганлигини кўрсатувчи мезон сифатида қарашимиз мумкин... Хукукий маданият инсоннинг хукуқ, жамият ва давлатга бўлган муносабатининг алоҳида шахс, унинг хукуқ ва манфаатларига бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқ, хукукий маданият даражаси хукукий тизимнинг ривожланганлик даражаси, давлат ва жамият институтларининг ҳалқчиллиги, аҳолининг билим даражаси, хукукий онг ва жамиятдаги хукукий мафкура билан узвий алоқадорликдадир” [14].

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси [5] ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»да инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Давлатчилик анъаналарига бой ҳалқимиз мустақиллик кўлга киритилган дастлабки кунларданоқ адолатли демократик хукукий давлат, фуқаролик жамиятининг пойdevорини барпо этишга киришди. Аммо зикр этилган хукуқ ва эркинликлар ўз-ўзидан, автоматик равишда янги шахсни камол топтириш, янги муносабатларни шакллантиришга олиб келмайди. Аристотель таъбири билан айтганда, яшаш, ҳаёт кечириш шунчаки машғулот эмас, у “фаолиятдир” [15].

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади – юртимизнинг баҳтли ва барқамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон

капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашдир” [6]. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришда Омбудсман институтининг роли бекиёсдир.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2018. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. T.: 2018).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 22.06.2020 йил ПФ-6012-сон Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 22, 2020 No. PD-6012 “On approval of the strategy of the Republic of Uzbekistan on human rights”).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 26.06.2021 йил ПФ-5163-сонли Қарори. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 26, 2021 No. PD-5163 “On additional measures to improve the system for detecting and preventing cases of torture”).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон хуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10.09.2021 йил ПФ-6312-сонли Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 10, 2021 No. PD-6312 “On measures to improve the activities of the Commissioner of the Oly Majlis of the Republic of Uzbekistan for Human Rights (Ombudsman).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йил ПФ-60-сон Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. PD-60 “On the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026”).
6. Мирзиёев Ш.М. – Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021.- 264 б. (Mirziyoev Sh.M. - New strategy of Uzbekistan. - Tashkent: Publishing house "Uzbekistan", 2021. - 264 p.).
7. Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. МАТ. Т.14. –Тошкент: Фан, 1998. (Alisher Navoi. Mahbub ul-kulub. T.14. – Tashkent: Fan, 1998.).
8. Хусейнова, А. А. (2010). Торговля людьми: попытка противодействия. Социологические исследования, (11), 150-151. (Khuseinova, A. A. (2010). Human trafficking: an attempt to counteract. Sociological Research, (11), 150-151.).
9. Холова, Э. Х., & Хусейнова, А. А. (2012). Закон Республики Узбекистан "О противодействии торговле людьми". Современные научные исследования, (12), 1-1. (Kholova, E. Kh., & Khuseinova, A. A. (2012). The Law of the Republic of Uzbekistan "On counteraction to trafficking in persons". Contemporary Scientific Research, (12), 1-1.).
10. Xuseynova, A. (2020). Роль женщин в социально-политической жизни общества. Центр научных публикаций (buxdu. uz), 1(1). (Xuseynova, A. (2020). The role of women in the socio-political life of the society. Center for scientific publications (buxdu.uz), 1(1)).
11. Хусейнова, А. (2021). Янги Ўзбекистон шароитида одам савдосига қарши курашнинг маънавий ва ҳуқуқий асослари. Общество и инновации, 2(6/S), 179-187. (Huseynova, A. (2021). Moral and legal foundations for combating human trafficking in the new Uzbekistan. Society and Innovation, 2(6/C), 179-187.).
12. Хусейнова, А. А. (2021). Аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни. Взгляд в прошлое, (SI). (Khuseinova, A. A. (2021). The role of a woman in social and political life. Looking into the past, (SI).).

13. Абира Хусейнова. Духовные и правовые основы борьбы с торговлей людьми в контексте нового Узбекистана //ОИИ. 2021. №6/S (Abira Huseynova. Spiritual and legal foundations for combating human trafficking in the context of the new Uzbekistan //OII. 2021. №6/S).
14. Таджихонов У. Хукуқий маданият назарияси. 4-жилд. – Т.: Адолат, 1998. 28-6. (Tadjikhonov U. Theory of legal culture. Volume 4 - T .: Adolat, 1998.).
15. Асмус В.Ф. Античная философия. Учебн.пособие Изд.доп. М. “Высшая школа”, 1976, с 382
16. М.Назаров //Қонун ҳимоясида”// 1998 №8 25-бет. (M. Nazarov // Under the protection of the law ”// 1998 No. 8 25-p.).

# ХУКУКИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ТОМ 7, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
VOLUME 7, ISSUE 5

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000